

КОНСТИТУЦИЯ ВА УНИНГ ЗАРУРАТИ

Юлдашева Ўғилой Шариповна

Олти ариқ тумани 2-сонли касб хунар мактаби
ҳуқуқ фани ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7481064>

Аннотация: Мақолада ҳар бир давлат учун асосий қонун, яъни, Конституциянинг зарурати, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий аҳамияти ҳамда янги конституциявий ислоҳотлар тўғрисида баён этилган.

Калит сўзлар: Ҳуқуқ, сиёсат, ёшлар, давлат, президент.

Дунёнинг барча давлатларида Конституция барча жамиятларда олий ҳуқуқий мақомга эга бўлган ҳужжат сифатида амалиётга тадбиқ этилади. Нега деганда, конституция давлат сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётининг асосларини белгилайди. Мамлакатдаги фуқароларнинг эркинликлари ва ҳақ-ҳуқуқларини ифодалайди. Шунинг учундирки, барча мамлакатларда ушбу ҳужжатнинг қабул қилинишига, унда акс эттирилган норма ва қоидаларнинг рўёбга чиқарилишига алоҳида эътибор қаратилади. Ўзбекистонда ҳам мамлакат Конституцияси фуқаролар томонидан инсон эркинликлари ва ҳақ-ҳуқуқларини таъминлайдиган, жамият ва давлат тараққиёти учун пойдевор яратадиган, жамият аъзоларининг муносиб турмушини қарор топтиришга хизмат қиладиган асосий ҳужжат сифатида қадрланади.

Эътибор қаратиладиган яна бир жиҳат шуки, ҳар қандай жамиятда Конституция ижтимоий тараққиёт суръатларига таъсир кўрсатадиган муҳим манба бўлиши даркор. Бунинг учун эса мазкур ҳуқуқий ҳужжат жамиятда кечаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий-маданий жараёнлардан бир қадам олдинда бўлмоғи, жамият аъзоларини ортидан эргаштирмоғи лозим. Мамлакатдаги фуқароларнинг эҳтиёж ва манфаатлари ҳамда ижтимоий тараққиётнинг ўсишига хизмат қилмайдиган Конституция ҳақиқий эмас деб топилади.

Бугунги кунда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг бош мезони сифатида инсон манфаатлари эътироф этилмоқда. Давлат органлари томонидан амалга ошираётган барча тадбирлар инсон манфаатлари, унинг турмуши фаровонлигини оширишга қаратилмоқда. Кишиларнинг кундалик ташвишларига қулоқ тутиш, уларнинг муаммоларини ҳал қилишга алоҳида эътибор бериш одатий воқеликка айланди. Ушбу жараёнларнинг давомийлиги ва узвийлигини таъминлаш учун эса мамлакатда инсон манфаатлари устуворлигининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш зарур. Чунки бусиз Ўзбекистонда

халқпарвар давлат барпо этиб бўлмайди. Шу муносабат билан Конституциянинг шахсий ҳуқуқларга бағишланган 24-42-моддаларини барча ижтимоий жараёнлар марказида инсон манфаатлари туриши кераклигини белгиловчи модда билан тўлдириш зарурияти пайдо бўлмоқда. Фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва мақомини конституциявий жиҳатдан мустаҳкамлашга доир ташаббус ҳам бағоят аҳамиятли. Маълумки, мустақилликдан кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилган ислохотларнинг асосий тамойилларидан бири “Давлат – бош ислохотчи” тамойили бўлди. Бундай албатта.

Конституцияда белгиланган ёшларнинг ҳуқуқлари, агар улар ўринли фойдалана олсалар, жамият иқтисодий ва сиёсий ривожига таъсир кўрсатувчи, ижтимоий жараёнларда фаол иштирок этувчи, жамиятдаги турмуш тарзини белгиловчи. Лекин баъзида ёшлар ўз ҳуқуқий имкониятларини тўла тушунмасдан ёки билмасдан акс таъсир доирасига ҳам тушиб қолмоқдалар. Бундай вазиятлар эса Конституцияни янада пухта ўргатишни тақозо этмоқда.

Бугун Ўзбекистон маъмурий бошқарувида асосий вазифа сифатида ижтимоий давлат барпо этиш мақсадининг қўйилиши болалар, ногиронлар, кексалар ҳуқуқлари муҳофазаси билан боғлиқ конституцион нормаларни ишлаб чиқишни ҳам талаб қилади. Чунки ижтимоий давлат барча аҳоли қатламларининг, айниқса алоҳида эътиборга муҳтож тоифаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминловчи давлат шаклидир.

Мамлакатимизда Учинчи Ренессанс асосларининг барпо этилаётгани ҳам Асосий қонуннинг амалдаги мақеини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Маълумки, мактабгача таълим, мактаб, олий таълим ва ундан кейинги илм-фан соҳалари Учинчи Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқаси сифатида эътироф этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида “Ҳарким бепул таълим олиш ҳуқуқига эга” эканлиги илк даврдаёқ мустаҳкамлаб қўйилган.

Бугунги кунда мамлакатимиз Конституциявий ислохотлар замирида турибди. Мамлакат Президенти ташаббуслари, кенг жамоатчилик таклифлари асосида Конституциянинг такомиллаштирилиши уни том маънода ривожланиш босқичига кўтармоқда. Бунда эса биринчи навбатда, Конституциянинг янги таҳририда жамиятнинг ижтимоий соҳаси субъектлари, шахслараро муносабатлар билан боғлиқ нормаларни кучайтириш зарур.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мамлакатнинг асосий қонуни бўлган Конституция давлатнинг ҳуқуқий тизимини тартибга солиш билан бирга унинг даражасини ҳам кўрсатиб беради. Шунинг учун ҳар бир шахс Конституциявий ислоҳотларда фаол иштирок этиши, асосий ҳужжатга киритиладиган ўзгаришлар юзасидан ўз фикрини билдириш билан ўз фуқаролик позициясини белгилаб, кўрсатиб беради.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Тошкент: Ўзбекистон, 2012.-40 б.
2. Инсон Ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси. Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари Миллий Маркази ва БМТ. Т.: 2008 йил.
3. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт. Ўзбекистон Республикаси ва Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. Т.: Адолат. 2002 йил. 54-73-бет.